**БУХОРО ВИЛОЯТИ:**

# МИНОРАЛАРИ ЯНГЛИҒ ЮКСАЛДИ БУ ЭЛ



## ЁҚУБ ФАТТОЕВНИНГ ДАЛАСИ

Пешкуда тадбиркор Ёқуб Фаттоевни танимайдиган одам йўқ. Худонинг бергани-да: гавда десангиз ҳам, ақл-фаросат десангиз ҳам бор. Келбати Алпомишдек, юрганида ер зириллайди. Ҳар мушти — нақ гурзининг ўзи. Эллик-олтмиш кило юкни даст кўтариб ташлаш унинг учун чўт эмас. Кетмонни сермаб-сермаб тортади. Шу бўлганига жуда раҳмдил, содда, камтарин. Хонадонда бир эмас, иккита енгил машина бор. Ёқуб ака "Тико" минади. Ана энди улкан гавданинг ҳар куни неча бор эгилиб, тор кабинага кириб-чиқишини бир тасаввур қилинг. Бу ҳол рафиқаси Олия опага нашъа қилади.

— Жуда қайсарсиз-да, дадаси. Кенг-мўлгина "Жигули" турганда, нима қиласиз ўзингизни қийнаб?

— Гапинг тўғри, онаси. "Жигули"ни минсам ҳам бўлади. Лекин менга "Тико" маъқул. Чунки у — ўзимизники. Айтишади-ку, ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига деб... Тушундингми энди? Бор, овқатингни олиб кел...

Ҳаёт қизиқ экан. Касби — инглиз тили ўқитувчиси. Ким ўйловди пайти келиб уни фермер бўлади деб? Мактабда ҳам иши ёмон эмасди. Деҳқон фарзанди эмасми, дала, ер меҳри устун келди. 1992 йилда "Фаттоев" фермер хўжалигини тузиб фаолият бошлаганда, орқаворатдан кулганлар ҳам бўлди. Ёқуб ака парво қилмади. Вақт — олий ҳакам, деган гапда тўла ҳақиқат бор. Меҳнат, изланиш, тадбиркорлик ўз самарасини кўрсатди. Бугунги кунда тумандаги Й. Эргашев номли ширкат хўжалигида "Фаттоев"нинг олдига тушадигани кам. Ютуқлар бир-бирини етаклаб келмоқда.

Айтиб ўтайлик: "Фаттоев"чилар асосан ғаллачилик ва чорвачилик билан шуғулланишади. Варахша бағридан "юлиб" олинган 22 гектар майдон уларнинг тасарруфида. Инсон иродаси асрий даштни уйғотиб, уни гуллаган маконга айлантирмоқда. Бу ерда бўлган киши Ёқуб аканинг даласини дарров топиб олади. Чунки ҳамма нарса батартиб, саранжом-саришта, экинларнинг авжи баланд. Жорий йилда 6 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 73 центнердан сара ҳосил йиғиштириб олинди ва бу борадаги шартнома режаси қарийб 140 фоизга бажарилди. Ғалладан бўшаган майдонларга макка экилган. Бу — қўшимча даромад дегани. Хўжаликда 22 киши меҳнат қилади. Ойлик маош 8,5-9 минг атрофида. Фаттоевчилар йиғилса, бир ҳовлига сиғмайди. Хўжаликни юритишда улар фермерга яқин кўмакдош: тўрт ўғил, уч келин, туғишган тўрт ука — Олим, Бобир, Собир, Илҳом... Шартномага кўра, ғалла ҳосилининг бир қисми хўжаликнинг ўзида қолди. Демак, йил ўн икки нон бисёр, дастурхон тўкин, деяверинг!

## ҒУРУР ВА СУРУР

**(Лабиҳовуз гурунглари)**

Лабиҳовузда бўлганмисиз? Бухоройи шарифдаги бу сўлим гўша эл орасида қадимдан маълум ва машҳур. Серсоя, файзиёб соҳилидан эртаю кеч одам аримайди. Ёғоч чорпояларга тўшалган кўрпачаларга ёнбошлаб, бир пиёла чой устида гурунглашишнинг гашти бўлакча-да. Жонинг роҳат қилади. Ҳу ана, галстук таққан «пўрим» йигит ҳам бир чойнак чой олиб, яқин орадаги сўрига яқинлашди. Ўтирганлар унга бир қараб қўйишдию, тожикча лаҳжада тағин суҳбатни давом эттиришди.

— Уфф, кун ҳам ёндими,а? Пайғамбар ёшига кириб, сунбулада мундайчигин иссиқ бўлганини эслаёлмайман, — зорланди духоба дўппи кийган, зиёлинамо киши. Сўнг «пўрим» йигитга юзланди: — Меҳмонга ўхшайсиз, писар?

— Ҳа, қўшни вилоятданман. Хизмат сафари билан келувдим. Ишларим битди. Лабиҳовуз бўйида пича дам олай деб...

— Бале! Ажаб қипсиз, хўп қипсиз. Бу дунёда кўрган қолади, писар. Юрган дарё, ўтирган бўйра, деганлар. Қани, чойдан олинг, меҳмон. Мустақиллик шарофати билан қадим юртимиз ўз шуҳратини тиклабгина қолмай, келажак учун мустаҳкам пойдевор ҳам қўймоқда. Саккиз йил бурун шу заминда вояга етган Абу Али ибн Сино, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулхолиқ Ғиждувоний, имом ал-Бухорий, Саид Мир Кулол, Абдурауф Фитрат каби улуғларимизнинг кимлигини ҳам яхши билмасдик. Бугун эса эл-юрт уларнинг иззатини жойига қўйиб, маънавий меросидан баҳраманд бўлмоқда. Тилимиз, динимиз яна бағримизга қайтди. Очиғини айтинглар, бир кун келиб Бухоройи шарифда улкан нефть заводи қурилади деса ишонармидиларинг? Хорижий шериклар билан ҳамкорликда ғоят қисқа муддат — уч ярим йилда барпо этилган бу замонавий корхонанинг лойиҳа қуввати йилига бир неча юз минг тонна хомашёни қайта ишлашга мўлжалланганини ҳам биласизларми? Кенжа ўғлим статистика идорасида ишлайди. Бу ёққа келишдан аввал ундан баъзи маълумотларни билиб олдим. Қаранг, истиқлол йилларида биргина вилоятимизнинг ўзида Америка, Греция, Ҳиндистон, Болгария, Исроил каби давлатлар билан ҳамкорликда 18 та қўшма корхона барпо этилибди. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқараётган экан. Ахир, Бухоро заминида қандай бойликлар йўқ, дейсиз. Пахта, қоракўл, пилла, газ, мармар, графит... Ана шунча хомашёси бўла туриб, халқимиз илгари қандай шароитда яшаганини биласизлар.

— Шўро замонида бухороликлар ўз газидан ўзи тўла баҳраманд эмасди, демоқчисиз-да? — луқма ташлади меҳмон йигит.

— Бале! Ҳақ гапни айтдингиз, писар. Мустақиллик ўзбекнинг қадринигина эмас, қаддини ҳам тиклади. Илойим Юртбошимизнинг боши омон бўлсин, у киши олиб бораётган доно сиёсат туфайли шаҳар ва қишлоқларимиз ободонлашиб, янги қиёфа касб этмоқда,хонадонлар файз-баракага тўлмоқда. Қаранг, 1991 йилгача вилоятимизда газлаштириш даражаси атиги 46,4 фоизни ташкил этган экан. Бугун-чи? Салкам 90 фоизга етиб турибди-да. Истиқлол йилларида барча манбалар ҳисобидан 71724,8 миллион сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилибди. Шаҳар ва туманларда 3536,9 минг квадрат метр уй-жой (шунинг 89,3 фоизи якка тартибда), 59,04 минг ўринли мактаб, 11,4 минг болага мўлжалланган боғча, 845 ўринли янги шифохоналар барпо этилибди. Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш 11,8 фоиздан 66,2 фоизга етибди. Қани, айтинглар, бундай кенг кўламли ишлар қайси замонда бўлган?

Биласизлар, Бухоро замини қадимий обидаларга бой. Унинг 2500 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланганлиги бежиз эмас. Маълумотларга қараганда, Бухоро шаҳри ва туманларда 900 дан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд. Ҳукуматимизнинг доимий эътибори ва ғамхўрлиги туфайли улар қайта таъмирланиб, асл ҳолига келтирилмоқда. Асрлардан бери қад кўтариб турган Минораи Калон, Чор Бакр мажмуи, Тоқи Заргардон, кўҳна Арк, Чор Минор каби обидалар кимни ҳайратга солмайди, дейсиз! Уларни зах ва шўр емиришидан асраш учун шаҳарни ер остидан кесиб ўтувчи «Сакович» ёпиқ коллектори қайта таъмирланиб, эски сизот сувининг йўли очилди. Натижада шаҳар ободончилиги учун катта имконият яратилди. «Бухоро» меҳмонхонаси олдидаги фавворалар мажмуида бўлганмисизлар? Оқшом чоғлари бу файзли, оромбахш маскан ўзига хос сайилгоҳга айланади. Хоҳланг, мириқиб ҳордиқ чиқаринг, хоҳланг, атрофдаги гўзалликни томоша қилинг. Яна бир сирни айтай: имом ал-Бухорий номидаги ушбу майдонда жами саккизта фаввора мажмуи бўлиб, уларда сувни юқорига отувчи 2500 та жумрак мавжуд. Нега дейсизларми? Шаҳримизнинг 2500 йиллик тўйидан ёдгорлик сифатида шундай қилинган.

— Бошқа соҳалардаги ўзгаришлар ҳақида ҳам гапиринг-да, Барот муаллим! — деб қолди боядан бери жим ўтирган чўққи соқолли отахон.

— Ҳозир, шошманглар. Ҳаммасига навбат келади. Очиғи, истиқлол туфайли бухоролик деҳқоннинг ҳам кўксига шамол тегди. Бугун у ўз ерига ўзи хўжайин. Меҳнатни ҳам билиб қилади. Тушунадики, қанча кўп ҳосил олса, манфаатдорлиги ҳам шунча юқори бўлади. Авжи саратонда ўғлимнинг «Нексия»сига ўтириб, қишлоқларни айландим, Ғиждувон, Вобкент, Пешку, Ромитон туманларида бўлдим. Ҳамма жойда кўтаринки кайфият, бўлакча бир интилиш, денг. Қишлоқ хўжалигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераяпти. Узоққа бормайлик. Вилоятимиз ғаллакорлари бу йил дон тайёрлаш режасини мамлакатда биринчи бўлиб бажарганликлари ва Президентимизнинг табрик хатини олганликларидан хабарларинг бор, албатта. Давлатга 137500 тонна сара дон етказиб берилди. Бу 1991 йилга нисбатан бир неча баравар кўпдир. Ҳосилдорлик 34,1 центнерга етди. Пахтачилик, чорвачилик соҳасида юз кўрсатаётган ўзгаришларни айтмай қўя қолай. Одамлар онги ва тафаккуридаги янгиланиш меҳнатга, мулкка муносабат ўзгараётганлигида яққол намоён бўлиб турибди.

Ана шунақа гаплар, меҳмон. Сиз шаҳримизда кўрган нарсаларнинг ҳаммаси ҳаёл эмас, айни ҳақиқат. Бу, албатта, бизга ғурур ва сурур бахш этади. Қани, энди дуога қўл очинглар. Илоҳим юртимизга қасд қилганлар паст бўлсин, ўзбекка ўзлигини қайтарган истиқлолимиз дунё тургунча турсин. Омин!



### Қоровулбозордан хат

## ҚОРА МАРВАРИД

Дунёда инсон қўли билан яратилган мўъжизалар кўп. Бизга қолса, Қоровулбозор даштида барпо этилган замонавий нефть заводини ана шундай мўъжизалар сирасига киритган бўлардик. Зотан, хориж технологиясига асосланган мазкур корхона ўз ишлаб чиқариш қуввати ва кўлами жиҳатидан Марказий Осиёда ягонадир. У Франция, Япония, Туркия, Американинг жаҳонга машҳур компания ва фирмалари ҳамкорлигида ғоят қисқа фурсат — уч ярим йил ичида қуриб битказилди. Шу тариқа мамлакатимизнинг нефть мустақиллигига асос солинди.

Заводнинг лойиҳа қуввати йилига бир неча юз минг тонна хомашёни қайта ишлашга мўлжалланган. Жамоада 1,5 мингдан ошиқ киши меҳнат қилади. Уларнинг 300 нафари хотин-қизлар. Техник жараёнлар аниқ маром асосида ташкил этилган. Кўкдумалоқ конидан 90 километрли қувурлар орқали узатилаётган "қора марварид" пешма-пеш қабул қилиб олиниб, ундан А-76, А-93 русумли бензин, дизель ёнилғиси, авиакеросин, олтингугурт, суюлтирилган газ, мазут ишлаб чиқарилмоқда. Шартнома баҳоларида ойига ўртача 3 млрд. сўмлик маҳсулот тайёрланаяпти. Бу эса халқ хўжалигини ўз вақтида ёнилғи-мойлаш воситалари билан таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётгани шубҳасиздир.

Дарҳақиқат, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида эртаю кеч ҳаёт қайнайди. Мамлакатимиз эҳтиёжидан ошиқча маҳсулот бир қатор хорижий давлатлар, жумладан, Россия, Эрон, Туркияга экспорт қилинмоқда. Яна бешта давлатга нефть етказиб бериш юзасидан музокаралар олиб борилаяпти. Корхонада ўз касбининг фидойиси бўлган малакали кадрлар кўп. С. Рўзиев, Ш. Ҳамроев, Ю. Жўраев, Э. Жабборов каби оператор ва смена мастерлари зиммаларидаги вазифани сидқидилдан уддалаб, жамоа ҳурматини қозонишмоқда. Ишчилар шаҳарчасида барча маданий-маиший шароит муҳайё. 624 ўринли мактаб, спорт майдонлари, 140 ўринли боғча, замонавий шифохона нефтчилар хизматида. Мустақиллик куни арафасида очиқ теннис кортининг фойдаланишга топширилиши эса улар учун муносиб байрам туҳфаси бўлди.

**С. АҲМЕДОВ.**

**Материалларни «Халқ сўзи» мухбири Носир ТОШЕВ тайёрлади.**

**ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**

- *Ўтган давр мобайнида 2475 дан зиёд корхона ва ташкилотлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, турли мулкчилик шаклларига ўтказилди.*
- *Хорижий шериклар билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришга ихтисослашган 18 та қўшма корхона барпо этилди.*
- *Саккиз йил мобайнида барча манбалар ҳисобидан 71724,8 млн. сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди.*
- *Аҳолини табиий газ билан таъминлаш даражаси 46,4 фоиздан 85,3 фоизга, тоза ичимлик суви билан таъминлаш 11,8 фоиздан 66,2 фоизга етказилди.*
- *Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, ғалла ва пахта етиштиришни кўпайтириш бўйича сезиларли натижаларга эришилмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқаришда нодавлат секторнинг улуши 99,3 фоизга етди.*
- *1998 йилда ташқи савдо айланмаси 1995 йилга нисбатан 412,6 фоизни ташкил этиб, 4,1 баравар ошди. Бунда экспортнинг улуши 77 фоиздан зиёдроқдир.*

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ:**

# ИСТИҚБОЛИ САРБАЛАНД ВОҲА

### XXI аср сари

## КЕЛАЖАККА ИШОНЧ ТАСКИНИ

*Кўзни қамаштирадиган қоракўли, қонни жўштирадиган қора майизи билан жаҳон бозорини забт этган форишликлар яна кўп бойликлари билан мақтанадиган бўлди. Эгизбулоқ этагидан тоза оҳак қазиб олиняпти. Нурота тизмаси биқинидаги Баланд осмон қишлоғида бебаҳо базальт заҳираси аниқланди. Чимқўрғонда темир кони очилди.*

— Ёпирай, — деб ёқа ушлашади ҳамқишлоқларим, — тоғимиз ҳам, яйлову кўлимиз ҳам, дашту чорбоғимиз ҳам кўтара бойлик экан-ку.

Бўлмасам-чи, Фориш — Хизир назари тушган жой. Ривоят қилишларича, бу ерга Амир Темур қадами ҳам етган. Форишнинг гўзаллигу табиий бойликларини, одамларининг меҳмондўстлигини кўрган соҳибқирон шу жаннатмонанд юртни Фориш деб аташга амр қилибди.

Бугунги кунда эса, Фориш — озод юртнинг мақтаса арзигулик обод бир бўлаги. Биргина темир конини оладиган бўлсак, у мамлакатимиз қурилиш индустриясини ривожлантиришга салмоқли улуш қўшади. Тасаввур қилиб кўринг, цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар эҳтиёжи учун йилига қарийб уч юз минг тонна темир рудаси валюта ҳисобига четдан ташиб келтириларкан.

Чимқўрғон темир конининг ишга туширилиши эса бу муаммони узил-кесил ҳал қилди. Бунинг устига руда очиқ усулда қазиб олиняпти. Иккинчи қулай томони — Учқулоч конига ўтган темир йўл бу ерга жуда яқин. Учинчиси — «Жиззахавтойўл» ҳиссадорлик жамияти жамоаси конни «Фориш-Жиззах» йўлига боғловчи янги йўл қуриб берди. Бу билан темирни Форишдан Ўзбекистоннинг исталган вилоятига ўз муддатида етказиб бериш имкони туғилди.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, қазиб олинаётган руда таркиби темир маъданига жуда бой, содда қилиб айтганда бир тоннасидан беш юз килограмм хомашё олиняпти. Яна бир хусусияти шуки, хомашё ўз таркиби ва сифати жиҳатидан жаҳон андозасига мос тушмоқда.

Ҳозирча кунига Навоий цемент заводига автомобиль йўли орқали минг тоннадан зиёд темир рудаси пешма-пеш жўнатиляпти. Темир йўл ҳудудидаги рудани майдалаш ва ортиш цехи ишга туширилгач, бу миқдор ўн ҳисса ортиши мўлжалланаётир.

Бугун мустақилмиз, табиий бойликларимиз эгаси ҳам ўзимиз. Шундай экан, уни қазиб олиш, халқимиз манфаати йўлида хизмат қилдириш янги асрдаги, унинг арафасидаги долзарб иш эмасми? Мустақилликнинг саккизинчи байрами бўсағасида турибмиз. Тарихдан маълум, мана-ман деган ривожланган мамлакатлар ҳам сезилар-сезилмас ўзгаришларга, фаровонликка нақд йигирма йилдан сўнг эриша бошлаган. Лоф эмас, биз саккиз йилда саксон йилга татигулик бунёдкорлик ишларини бажардик. Форишда олиб борилаётган ислоҳотлар унинг бир мисқоли холос.



## БАЙРАМГА ТЎЁНА

Мустақиллик арафасида вилоятда 1540 ўқувчини ўз бағрига оладиган 5 та мактаб, 1500 ўқувчига мўлжалланган 3 та касб-ҳунар коллежи, 390 ўринли ётоқхона қуриб битказилди.

Шунингдек, вилоят аҳолиси учун 62 километр узунликдаги газ, 19 километрлик ичимлик суви тармоқлари фойдаланишга топширилди.

5 та қишлоқ врачлик пункти, Бахт уйи, Жиззах шаҳридаги ёпиқ спорт иншооти мажмуаси, супермаркет, маиший хизмат, савдо шохобчалари, маънавият ва маданият маркази бинолари, Жиззах шаҳридаги «Кўтарма» маҳалла гузари, чўмилиш ҳавзаси, «Кураш» зали ва «Халқобод» бозори ўзининг дастлабки мижозларини қабул қила бошлади.

Мана, саккиз йилдирки, ҳурриятдан дилимиз равшанлашиб, жисмимизга ҳаловат инаяпти. Бундан қувонмай бўладими!

Жиззахнинг жаҳонга танилаётгани, деҳқончилик, ғаллачиликда мисли кўрилмаган ютуқларга эришаётганлигимиз, она шаҳримиз республикадаги энг гўзал гўшалардан бирига айланаётганлиги ҳам Истиқлол туфайлидир.

## ШУКРОНАЛИК

Оллоҳ берган бебаҳо неъмат — Мустақилликка шукроналар айтаман. Байрам арафасида «Жиззахлик» маҳалла гузари фойдаланишга топширилади. Унга ҳамюртимиз Ҳамид Олимжон номини беришга қарор қилдик. Шунингдек, касб-ҳунар коллежи ёшларни ўз бағрига олади.

Хуллас, бугун Озодлик кўксимизни осмон қадар баланд этаяпти. Уни кўз қорачиғидай асрашимиз, ёшларни мустақил Ватанимизга муҳаббат руҳида тарбиялашга камарбаста бўлишимиз керак.

**Турсунбой ХОЛМАТОВ,**
**меҳнат фахрийси,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.**

## БАХТИМ ШУКИ...

Ватан байроғини ўпиб, қасамёд этиш ҳар бир эр йигитнинг эзгу аъмолидир. Бугун мен ана шу бахтга эришганимдан чексиз ғурурга тўламан. Тўғриси, ҳали мактабда ўқиб юрганимдаёқ, ҳарбий зобит бўлишни орзу қилардим. Орзу қилардим-у, унинг амалга ошиши ёки ошмаслигидан хавотирланардим. Негаки, бир пайтлар ҳарбий билим юртлари, академияларида ўқиш биз, қишлоқ болалари учун ушалмас орзу эди-да!

Мустақиллик туфайли бугун бизнинг ҳам орзуларимиз ушалмоқда. Мен билан бирга таҳсил олаётган дўстларимнинг аксарияти вилоятлардан келган ўзбек йигитларидир.

Мақсадимиз, — ҳарбий касб сирларини қунт билан эгаллаб, мустақил Ўзбекистонимизга сидқидилдан хизмат қилиш.

**Қудратбек АБДУЛЛАЕВ,**
**Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юртининг курсанти.**



## АМЕРИКАДА... ҚИШЛОҒИМ ТАФТИ БОР

Асли зоминликман. Бундан саккиз йил муқаддам бирон киши ота-онамга «қизингиз Америкада ўқийди» дейишса, табиийки, ишонишмасди. Негаки, отам Абдурашид Азимов оддий қурувчи, онам Ҳосият опа эса ҳисобчилар. Шукрким, Мустақиллик туфайли ушалмас орзуларимиз рўёбга чиқди. Бугун мен океанорти давлати — Америка Қўшма Штатларининг МЭН университетида ўқияпман.

Бундан икки йил муқаддам «Умид» жамғармаси синовларидан муваффақиятли ўтиб, Америкага жўнаб кетган онларимиз кечагидай ёдимда. Онам узоқ сафарга кузатарканлар, йўл жомадонимга авайлаб, оқ сурпга ўралган тугунча солдилар: «Эҳтиёт қил». Америкага бориб ётоқхоналарга жойлашгач, онам берган оқ тугунчани очдим. Унда мустақил юртимизнинг кичик байроқчасию, бир сиқим Зомин тупроғи бор эди! Мен она-юртимни соғинганимда, — юртим байроқчаси-ю, тупроғини бағримга босаман. Уларда қишлоғим тафтини, онажоним меҳрини ҳис қилгандай бўламан.

Ҳозир мен халқаро журналистика соҳасида таълим олаяпман. Шунингдек, университет газетасида репортёрлик ҳам қилаяпман. Ишимни анча ўрганиб олдим. Компьютерда ишлаш энг севимли машғулотим. Мен бирор иш ёки ташаббус ҳақида ўйласам, Юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра доно, билимли, кучли ва албатта бахтли бўлишлари шарт», деган сўзлари қулоғим остида жаранглаб туради ва ўз устимда кўпроқ ишлашга рағбат сезаман.

**Дилноза АЗИМОВА,**
**АҚШнинг МЭН университети талабаси.**

**Материалларни «Халқ сўзи» мухбири Мавжуда ХОЛМАТОВА тайёрлади.**

**ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**

- *Ўтган саккиз йил мобайнида вилоятда 12 та саноат корхонаси, 115 та кичик ва қўшма корхона барпо этилди. Жиззах мебель фабрикаси, «Жибри» — Ўзбекистон Британия, «Ғаллаорол-Белгорс» Ўзбекистон-Украина қўшма корхоналари, «Бахмал шароб», «Ғаллаорол шароб» ҳиссадорлик жамиятлари шулар жумласидандир.*
- *Инвестиция дастурига мувофиқ, Жиззах аккумлятор заводи қошида Американинг «Эскайд» компанияси билан йилига 1 миллион дона аккумлятор ишлаб чиқарадиган қўшма корхона, жадал қурилмоқда.*
- *Вилоятдаги мавжуд корхона ва ташкилотларнинг 10 фоизи давлат, 90 фоизи нодавлат секторига тегишли. Шундан фермер хўжаликлари 54 фоизни, ҳиссадорлик жамиятлари 5 фоизни ташкил этади, қолган 41 фоизи эса мулкчиликнинг бошқа шаклларида фаолият кўрсатмоқда.*
- *Ўтган саккиз йил ичида 40 та қишлоқ врачлик пункти, 1890 минг квадрат метр уй-жой, 29,4 минг ўқувчига мўлжалланган умумий таълим мактаблари барпо этилди. 12305 гектар ер ўзлаштирилди.*
- *Ҳозир вилоятда 190 та ҳиссадорлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг низом жамғармаси 3 миллиард 89 миллион сўмдан ортиқ.*
- *Вилоятда бу йил 111 минг гектар ерда пахта, 2482 гектар ерда маккажўхори, 7672 гектар ерда масхар, 2265 гектар ерда маккажўхори етиштирилмоқда.*

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ:

# МИРЗА ГУЛИСТОН БИР ЁН

**Биз суҳбатлашган одамларнинг ҳар бири қандайдир маънода бугунги нурафшон кунларимизнинг тамал тошини қўйган кишилардир. Ва уларнинг ҳар бири бир қараганда оддий, бир қараганда эса катта меҳнатлари билан мустақиллик аталмиш Боғи эрамга кунда-кунора ниҳоллар экаётган ва бу ниҳолларни пешона терлари билан суғориб вояга етказаётган мирзачўллик заҳматкашлардир.**





**Анвар ҚУРБОНОВ — Ўзбекистон Қаҳрамони, Гулистон туманидаги механизациялашган кўчма колонна бригадири.**

— Мен бугунги кунларга Оллоҳнинг inояти, Юртбошимизнинг жасорати, халқимизнинг бирдамлиги туфайли эришдик, десам янглишмайман. Қадимгилар «Бирлашсанг ўзасан, бирлашмасанг тўзасан», дея бежиз айтишмаган. Бутун бир Ўзбекистон бугун байрам қучоғида нафас олаяпти. Одамларнинг юз-кўзига қараб хурсанд бўлиб кетасан киши. Кўнгилларида минг битта орзу-умид гуллаган мана шу одамлар эртанги кунга ишонч билан боқиб туришибди. Бири ўғил уйлантириш, бири қиз чиқариш, бири невара тўйи қилиш нияти билан яшамоқда. Тинчлик ҳукм сурган юртдагина одамларда айнан мана шундай кайфият бўлади. Эртасига хавотир билан боқмайдиган, фарзандларининг тақдиридан нолимайдиган кишиларгина оддий ва ҳаётий ташвишларга кўмилиб яшашади.

Мен қурувчиман. Ўз бригадам билан Гулистон туманидаги юзлаб уйларнинг қад кўтаришида иштирок этганман. Гулистон шаҳридаги турар-жой бинолари, банклар, «Меҳрибонлик уйи» каби муҳташам иншоотларни бунёд этганимиз билан барча қатори ич-ичимдан суюниб юраман. Негаки, шаҳар ҳуснига ҳусн қўшган, одамларнинг кўзига қувонч бағишлаган мана шу гўзал биноларда кўп қатори менинг ҳам бармоқ изларим бор.

Мустақиллик ҳар бир одамга ўзлигини қайтарди. Уни элга танитди. Қаранг, ким ўйлабдики, мендай оддий бир қурувчига Қаҳрамонлик унвони берилади, деб. Ростини айтсам, бу мукофот мен учун мисоли бир ҳумо қуши эди.

Мен аминман, йил сайин қаҳрамонлар сафи кенгаяди. Элимизда меҳнат қилганлар сўзсиз қадр топади. Мустақиллигимиз йил сайин мустаҳкамланиб бораверади.

**Ҳанифа СУЯРОВА — Боёвут туманидаги «1-Боёвут» ширкатлар уюшмасининг бригадири.**

— Ҳар гал байрам яқинлашганда юрагимни ғалати бир қувонч эгаллаб олади. «Мана, яна мустақиллик айёмига етиб келдик. Яратган яхши кунлардан бизни айирмасин» деб шодланиб қўяман. Саккиз нафар ўғлим, тўрт нафар қизим, беш келиним бор. Дунёда тинчликни биз оналарчалик кўп тилайдиган, кўп орзу қиладиган кишилар бўлмаса керак. Ҳар тонг уйқудан турар эканман, ўғилларим ва келинларим яшайдиган уйларнинг деразасига қараб, энтикиб қўяман. У ерда фарзандларим, невараларим ухлашаяпти. Уларнинг тинчлигини ҳеч ким бузолмайди, деган умид юрагимга таскин бағишлаб, руҳимни кўтаради.

Онанинг кўнгли барибир баъзан-баъзан хавотирга ҳам тушар экан. Орамиздаги айрим ғаламислар, нияти бузуқлар, ичи қораларнинг яқин ўтмишдаги қилмишлари ҳали-ҳамон мени ларзага солади. Оиламиз бир дастурхон атрофига жамулжам бўлганда турмуш ўртоғим билан болаларга айтадиган гапимиз кўпинча бир хил бўлади. «Болаларим, ҳамиша яхшиликнинг этагидан тутиб яшанглар. Яхшилик барибир эртами-кечми ёмонликни енгади...» деймиз.

Эҳтимол, бизнинг насиҳатларимиз у қадар сеҳрли, у қадар маъноли эмасдир. Аслида бунинг сира аҳамияти йўқ. Ҳар йилгидан кўпроқ пахта етиштирсак, бир бурда нонимизни ҳалоллаб есак, болаларимиз соғу саломат ва юртимиз тинч бўлса бас. Давлат дегани ҳам, бойлик дегани ҳам, омад дегани ҳам биз учун мана шунинг ўзидир.

**Бектурсун ПИРМАТОВ — Гулистон шаҳрида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийси.**

— Ёши бир жойга бориб қолган кишилар бошқаларга қараганда барибир озми-кўпми ҳаётга теранроқ қарашади. Эҳтимол, шу сабабли маҳалла-кўйда ёш-яланг билан суҳбатлашсам, бугунги ёруғ кунларнинг қадр-қиммати тўғрисида кўп гапираман. Негаки, бизнинг ўзимиз мана шундай кунларни узоқ йиллар кутиб яшадик. Бизнинг авлод қатағон йилларни ҳам, уруш даврини ҳам, очлик азобини ҳам, компфирқа зўравонлигини ҳам ўз бошидан кечирган авлоддир.

Бу кунларнинг қадрига етмаганларнинг кўзи кўр бўлади. Бу кунларнинг қадрига етмаганлар тириклигида ўлган кимсалардир. Фақат гумроҳларгина ўтмишни қўмсайди. Фақат қалби сўқирларгина ўтмиш тилга олинганда, танглай тақиллатиб тамшанадилар.

Ёшларга мустақиллик ҳақида гапириш, унинг аҳамиятини қулоқларига қўрғошин каби қуйиш, уни онгларга сингдириш биз кексалар учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Биламан, саккиз йил ичида Ўзбекистон ҳам, унинг бир бўлаги бўлмиш Мирзачўл ҳам таниб бўлмас қиёфага кирди. Юзлаб янги корхоналар иш бошлади. Ғалла мустақиллигига эришдик. Тилламиз, қоракўлимиз ёнимизга қоладиган бўлди. Машиналар ишлаб чиқаряпмиз. Оқ ва қора олтинимиз жарақ-жарақ тилла олиб келаяпти. Бироқ, биз учун энг муҳими, юртимиз қўлга киритган буюк Эркдир. Бу эрк бўлмас экан, юракларда ана шу туйғуга талпиниш бўлмас экан, моддий бойликларнинг қадр-қиммати уч пулдир. Мен барча-барча фахрийларни, юртдошларимни юракларда туғ каби кўтарилган эрк байрами, ҳурлик айёми билан муборакбод этаман.

## САОДАТМАНД ВАТАНДИР БУ

*Саховат юртида менга насиб этган чамандир бу*
*Ва меҳнат жабҳаси ичра тиним билмас самандир бу.*

*Биёбон бағрида унмиш муаттар гул каби авлод,*
*Фидокор насли жамланган табаррук анжумандир бу.*

*Жаҳон амлокида кўпдир қадам етмас биёбонлар,*
*Ажам аҳли Гулистон айлаган дашти Хўтандир бу.*

*Ширин фарзандларим бунда ўсиб улғайди меҳнат-ла,*
*Бўлибдир мартабам юксак, не фахру ҳам не шандир бу.*

*Ёзурман Мирзачўл мадҳин, ўғиллик номин оқлай, деб*
*Баёзим бошлайин шундан, менга бир карра тандир бу.*

*Гўзал ўлкамга истиқлол Мунаввар нурини сочди,*
*Ки порлоқ эртасин кўрган саодатманд ватандир бу.*

**Мунаввар ПАРДАЕВ.**

## ТАБАРРУК МАСКАН

***Рўзибой Рўзибоев номли 19-ўрта мактаб нафақат Сирдарё туманида, балки вилоятдаги энг кекса билим масканларидан биридир.***

Ушбу билим даргоҳининг собиқ битирувчилари орасида ўнлаб фан номзодлари-ю, фан докторлари нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам маълум ва машҳур. Бу мактаб Ўзбекистонга энг кўп ўқитувчи кадрлар етиштириб берган илм даргоҳи ҳисобланади.

Яқинда мактабда 48 йил муқаддам шу мактабни тугаллаган шоир Тўра Сулаймон шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар янгради.

— Ушбу мактабдан яхши одам бўлмай чиқишнинг асло имкони йўқ эди, — дейди Тўра Сулаймон ҳазил аралаш. — Чунки бу ерда ўнлаб ўз ишининг билимдонлари ва асл фидойилари меҳнат қилишган ва қилишмоқда.




## ТОПҚИР КЕЛИНЧАК

Раъно Ҳайдарованинг қайнонаси ва турмуш ўртоғи қачондир саҳнада роль ижро этишни етти ухлаб тушларида ҳам кўришмаган. Лекин улар яқинда Олим Хўжаев номли Сирдарё вилоят мусиқали ва драма театрида ана шу ишни амалга оширишди. Бунинг сабабчиси Раъно эди. Ховос туманида ўтказилган «Энг ибратли келинчак» кўрик-танловининг ғолибаси, ёш келин қайнонаси ва турмуш ўртоғини саҳнага олиб чиқди. Ҳаётий, кулгига бой ва бироз ҳажвга йўғрилган бу кўринишларни томоша қилганлар ҳаваскор санъаткорларни қарсаклар билан олқишлашди.

Вилоят ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда ўтказган кўрик-танлов ҳайъати аъзолари Раъно Ҳайдарованни бир овоздан Тошкентга борадиган энг муносиб номзод, деб топишди. Демак, пойтахтлик томошабинлар ҳам ҳаётий ҳангомалардан баҳраманд бўлишади.

**Э. ШЕРМАТОВ,**
**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг 1-босқич талабаси.**

**Материалларни «Халқ сўзи» мухбири А. ХОНИМҚУЛОВ тайёрлади.**

**ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**

- ***Мустақиллик йилларида вилоятда 1 миллион 293 минг квадрат метр уй-жой қурилиб, минглаб кишилар янги ҳовли тўйларини ўтказишди.***
- ***24,5 минг нафар ўқувчига мўлжалланган янги мактаблар қурилиб, фойдаланишга топширилди. 3050 нафар болалар замонавий ва гўзал боғчаларнинг дастлабки тарбияланувчилари бўлишди.***
- ***Вилоятда 784 нафар бемор даволанадиган янги шифохоналар ишга туширилди.***
- ***Шаҳар, туман ва қишлоқларда 2545 нафар беморга хизмат қиладиган янги поликлиникаларнинг очилиш маросимлари бўлиб ўтди.***
- ***Салкам 100 чақиримлик катта Ўзбек тракти бутунлай қайтадан таъмирланиб, йўл четларига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.***
- ***Кейинги уч йил ичида 25 миллиард сўмга яқин қурилиш-монтаж ишлари поёнига етказилди. Минглаб кишилар иш билан таъминланди.***

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ:

# ...ТУПРОҒИДА ОЛТИН ГУЛЛАЙДИ

## ФАХР

*Жоним ичра жонимсан,*
*Эллар аро шонимсан.*
*Бусбутун имонимсан —*
*Самарқандим!*

*Боболарим юртисан,*
*Ёниқ диллар ўтисан,*
*Туронимнинг кўркисан —*
*Самарқандим!*

*Ҳар миноринг минг тарих,*
*Тупроқларинг табаррук,*
*Авлиёларинг буюк,*
*Самарқандим!*

*Истиқлолдан кўз очдинг,*
*Саккиз довондан ошдинг,*
*Дунё билан бўйлашдинг,*
*Самарқандим!*

**Ўткир НУРУЛЛАЕВ,**
**меҳнат фахрийси,**
**Самарқанд.**

**Қадим-қадимдан Ер юзини лол айлаган Самарқанд ўзининг иқтисодий ва маънавий қудрати билан машҳур бўлган. Чунончи, Амир Темур даврида жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари билан иқтисодий алоқалар йўлга қўйилган, мадрасалар эса илм-маърифат ва маънавият бешиги ҳисобланган.**

## ДУНЁ БИЛАН БЎЙЛАШАДИР

Бизга ойнинг ёруғ кунларини олиб келган Истиқлол Самарқанд вилоятида ҳам юз очди. Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти амалдаги нархларда қарийб 32 миллиард сўмликни ёки ўсиш суръати 115 фоизни ташкил этди. Давлатга ғалла сотиш мажбурияти ортиғи билан уддаланди, яъни хирмонга 267 минг тоннадан ортиқ дон тўкилди.

Вилоятда иқтисодиётни ривожлантирадиган яхши бир анъана мавжуд. У ҳам бўлса, илгариги жамоа ва ижара хўжаликларининг ширкат хўжалигига айлантирилишидир. Бунинг оқибатида деҳқоннинг бир сўми ўн сўмга кўпайиб, ширкат хўжаликлари қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда ўзига хос ижобий туртки вазифасини ўтаётир. Шунинг учун ҳам ўтган йили бор-йўғи 6 тагина бўлган ширкат хўжалиги бу йил 56 тага кўпайди.

Вилоят иқтисодиётини юксалтираётган омиллардан яна бири чет эл инвестицияларининг кириб келишидир. Шуни ҳисобга олган ҳолда барча молиявий манбалар ҳисобидан 17 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Биргина қурилиш ва жиҳозлаш ишларига 4,03 миллиард сўмлик хорижий инвестициялар киритилди. 6,8 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди.

Истиқлолнинг саккиз йиллиги арафасида қадимий шаҳар оғуши чексиз завқу шавққа тўлди — бу ерда «Шарқ тароналари» иккинчи Халқаро мусиқа фестивали ўтказилди. Мазкур тадбирда жаҳоннинг 35 мамлакатидан келган вакиллар иштирок этишди.

— Самарқанд чиндан-да гўзал ва афсонавий шаҳар экан, — дейди биз билан суҳбатда фестивалда иштирок этган бангладешлик таниқли қўшиқчи Фарида ПАРВИН. — Азалдан жаҳонда унинг ўз ўрни бўлган. Шу жиҳатдан мусиқа фестивали учун айнан Самарқанд танланганлиги бежиз эмас. Бунда жуда катта рамзий маъно бор.

Ҳа, бағрида улуғларнинг муборак пойқадами, гул нафаслари жо бўлган Самарқанд ҳамиша эътирофга арзигай!

## МУҚАДДАС ҚАДАМЖО

Бутун дунёнинг имоми деб ном олган Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан унинг ҳоки абадий қўним топган Челак туманидаги Ҳартанг қишлоғида қад кўтарган ёдгорлик мажмуа бугун Мовароуннаҳрнинг ва қолаверса, бутун жаҳон мусулмонларининг муқаддас қадамжосига айланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, халқимизнинг миллий қадриятларига эътибор кучайди. Имом ал-Бухорий каби бутун умрини иймон ва эътиқод, илм-маърифат, диёнат йўлига бахшида этган улуғ зотлар хотираларини эъзозлаш, улар номлари билан боғлиқ жойларни ободонлаштиришдек эзгу ишлар бошлаб юборилди. Унинг умумий майдони 10 гектардан иборат. Ҳартанг қишлоғидаги бу ҳашаматли ёдгорлик мажмуи қисқа вақт — саккиз ойда қуриб битказилди.

1999 йилнинг етти ойида ёдгорлик мажмуига 470 мингдан ортиқ зиёратчи ташриф буюрди. Улар орасида хорижлик сайёҳлар, республикамизнинг турли вилоятлари вакиллари бор. Хорижлик меҳмонлар ва давлат раҳбарларининг Самарқандга келиб, дастлаб Имом ал-Бухорий руҳи покларини зиёрат қилаётганликлари Ўзбекистоннинг мавқеи ўсиб бораётганлигидан далолат беради, шунингдек, бу унинг бой маънавий салоҳиятига эътироф ва эҳтиром белгиси ҳамдир.



Зиёратгоҳ атрофида ободонлаштириш ишлари давом эттирилаяпти. Айни пайтда ёдгорлик мажмуининг олди қисмида зиёратчиларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликларга эга бўлган 1,5 гектар хиёбон барпо этилмоқда. Ҳозиргача бу ерда 20 миллион сўмлик иш бажарилди. Энди навбат — сўнгги ободонлаштириш юмушларига.



## «САМКОЧАВТО»: XXI АСР МАШИНАЛАРИ

Самарқандда яна бир автомобилсозлик заводи — «СамКочавто» қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлади.

«Ўзавтосаноат» ассоциацияси ва Туркиянинг дунёга машҳур «Коч-холдинг» фирмаси ўртасидаги ҳамкорлик натижаси Самарқандда машинасозлик тармоғи барпо этилди. Дастлаб иш Туркиянинг юк машиналари технологиясини синчиклаб ўрганишдан бошланди, техник-иқтисодий ҳужжатлар тайёрланди.

Қўшма корхона жойлашадиган иншоотни Туркиянинг «Дама» фирмаси таъмирлади ва тўлиқ жиҳозлади.

Марказий Осиёда автобус ишлаб чиқарадиган ягона завод — «СамКочавто»нинг ишга тушганига эндигина беш ойдан ошаяпти. Ана шу даврда 450 дан ортиқ автобус ва юк машиналари тайёрланди. Қувончли томони, қисқа вақтда 23 йўловчига мўлжалланган «М-23» русумли юмшоқ ўриндиқли автобус ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Йил охиригача Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасига 200 та автобус ва юк автомашинаси сотиш режалаштирилган. Қўшма корхона мутахассисларининг таъкидлашича, дастлаб Туркиянинг «Otayol» автобус заводидан автомашиналар учун мотор, олдинги ва орқа кўприк, ойналар, ўтирғичлар, бошқариш тизими ва бошқа муҳим деталлар олиб келинган. Энди эса бутловчи қисмларнинг аксар қисми «СамКочавто»нинг ўзида тайёрланмоқда. Бу каби ижобий ўзгаришлар қўшма корхонанинг келажаги порлоқ эканлигидан далолат беради, албатта.



**Материалларни «Халқ сўзи» мухбири Г. ЙЎЛДОШЕВА ва журналист А. САТТОРОВ тайёрлади.**

**ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**

- ***Вилоятда ўтган йили 251 минг 102 тонна пахта тайёрланиб, режа 104,4 фоизга бажарилди.***
- ***Жорий йилда 400 минг тоннадан ортиқ ғалла етиштирилди.***
- ***Куни кеча Регистон майдонида «Шарқ тароналари» иккинчи Халқаро мусиқа фестивали якунланди. Ўзбек қизи Насиба Сатторова энг олий мукофот — Гран-прига сазовор бўлди.***
- ***Бу йил Самарқанд шаҳрида «Амфитеатр» биноси фойдаланишга топширилди.***
- ***Челак туманида «Балтимор-Челак» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси иш бошлади.***
- ***Шу йилнинг ўзида 302 км. масофага газ қувури, 137 км. масофага ичимлик суви қувури тортилди. Уй-жой қурилиши 431 кв. метрни ташкил этди.***

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ:

# ТОЛЕЪИ ИСТИҚЛОЛДАН ТОҒДАЙ ЮРТ

## ДЕҲҚОНЛАР ХИРМОНИ БУ

Фарғоналиклар бу йилги қутлуғ байрамни ўзгача кўтаринки руҳда, шоду хуррамлик билан кутиб олишяпти. Бунинг боиси бор. Сўнгги икки йил мобайнида вилоятда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари — пиллачилик, пахтачилик ва дончилик соҳаларида шартнома режалари бажарилмай, деҳқонлар, соҳибкорлару ғаллакорларнинг «дами ичида эди». Мана энди шу қолоқликка барҳам бериш, ўзларининг йиллар давомида мисқоллаб топган обрўсини қайта тиклаш, бағрини тоғдай кўтаришнинг мавриди келди. Пиллакору ғаллакорлар йил бошида берган ваъдаларини шараф билан бажаришди. Бир ҳамла билан икки йиллик қолоқлик доғи ювиб ташланди. Ўзингиз қиёслаб кўринг: агар 1991 йилда вилоятда 109 минг тонна дон ишлаб чиқарилиб, истеъмол қилинадиган ғалла асосан четдан келтирилган бўлса, бу йил 253 минг тонна дон давлатга сотилиб, четдан ғалла харид қилинишига бутунлай барҳам берилди.



## ТОБЕЛИКДАН — ЮКСАЛИШГА

Юртимиз мустақилликка эришгунга қадар ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий қисми собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари ҳиссасига тўғри келар эди. Хорижбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўлган корхоналар ҳам экспорт-импорт мақомини олмаган. Улар ташқи фаолиятни собиқ Иттифоқ миқёсидаги «Союзнефттеххимэкспорт», «Союзхимэкспорт», «Союзнефттеххимзарубежстрой», «Союзмежторг» сингари фойданинг асосий қисмини ўпириб кетадиган ташкилотлар орқали тузилган шартномалар асосида олиб борар эди. Шу боис 1991 йилда вилоятда ташқи савдо айланмаси 26,2 миллион сўмдан ошмаган. Ваҳоланки, шу йилнинг 7 ойи мобайнида бу кўрсаткич салкам 177 млн. долларни ташкил этди. Анъанавий экспорт маҳсулотлари пахта толаси ва нефть маҳсулотлари қаторига яна ўнлаб маҳсулотлар қўшилиб, улар Фарғона тамғаси билан хорижий мамлакатларга жўнатиляпти.

Умуман, бугунги кунда вилоятда чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони 60 дан ортиб кетди. Фарғона сунъий чарм корхонаси — шулардан бири.

Айни кунларда корхонада қарийб 70 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қиляпти. Улар ўтган йили Тошкент шаҳрида ўтказилган ўқувчи сумкаларини тикиш, тайёрлаш бўйича халқаро тендерда қатнашиб, ғолиб чиқишди. Ва мамлакатимиз ўқувчиларига мўлжалланган 100 минг дона сумка тайёрлаш юзасидан муҳим буюртма олинди. Бу буюртма эса белгиланган муддат — 4 ой ичида эмас, балки бир ярим ойда тайёрланиб, водийдаги вилоятлардан ташқари, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, қашқадарёлик ўқувчиларга ҳам янги ўқув йили туҳфаси сифатида тортиқ этилди.

Корхонанинг даромади ортгани сайин ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг қўшимча имкониятлари ҳам туғиляпти. Яқинда чет эллик инвесторлар билан табиий терини қайта ишлаш борасида олиб борилган музокаралар муваффақиятли якунланди. Германиялик маслакдошлар янги ишлаб чиқариш тизимини ривожлантиришга 240 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишга розилик беришди.

Илгари сунъий чармнинг асосини ташкил қиладиган сурп матолар ҳам асосан Россиядан келтириларди. Раҳбариятнинг елиб-югуриши туфайли Тошлоқ туманидаги нотўқима матолар фабрикасининг бўшаб қолган 26 та дастгоҳи корхонага олиб келиб ўрнатилди. Шу тариқа яна бир муаммо ҳал бўлди. Ҳозир бу ерда 1 млн. 800 метр мато тўқилмоқда.

Шу йилнинг бошидан бошлаб эса қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун плёнка ва плёнкали қоплар, транспортёр лентала-ри тайёрлаш йўлга қўйилди. Мамлакатимиз кимё саноати учун ғоят зарур бўлган картон фильтрлар ишлаб чиқаришни ҳам фарғоналик кўнчилар жуда яхши ўзлаштириб олишди.

Бундан ташқари, меҳнат аҳли республикамиздаги 11 та пойабзал корхонаси, 4 та чарм-атторлик заводи, Фарғона, Кува, Тошкент шаҳарларидаги мебель бирлашмаларини ҳам хомашё билан таъминлаб турибди.

Энг муҳими, ҳар бир ишчи ҳисобига тайёрланаётган маҳсулот Европадаги илғор корхоналар даражасига етиб қолди. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида ҳар бир ишчи 583 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди.

Корхонада бўлган кунимиз бир қувончли воқеанинг гувоҳи бўлдик. Орзихон ая Қурбонова шу ерда 25 йил меҳнат қилибди. Яқинда пенсияга узатилар экан. У раҳбардан ёрдам сўраб эмас, қандайдир имтиёзларни талаб қилиб эмас, ўз ўрнига келини Умидахонни ишга олишларини илтимос қилиб келибди. «Мен корхонадаги ўрним йўқолиб кетмаслигини, бу ерда сулоламиз яна давом этишини жуда-жуда истайман», дейди онахон кўзларида ёш билан.

Мустақиллик одамларимизга ўз корхонаси ҳақида ана шундай фахр-ифтихор билан гапириш, эртанги кунга ишонч билан қараш имкониятини берганлигининг тасдиғи эмасми бу?

## ИНГЛИЗ ТИЛИНИ БИЛАДИГАН РАИС

«Йўллар оша бир бош ўсасан». Бу гапни Ёзёвон туманидаги Йўлдош Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Мамадали Шерматов айтди. Ҳали қирқ ёшга ҳам тўлмаган бу йигит хўжаликнинг иқтисодини кўтариш, жамоа аъзоларининг турмушини яхшилаш мақсадида бошқарув ва иш юритишнинг мақбул усулларини ҳаётга татбиқ этаётгани, айниқса, қурилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор бераётгани ҳақида эшитган эдим. Аммо унинг олис мамлакат — Австралияда бир неча ой бўлиб, тажриба орттириб қайтгани, инглиз тилини мукаммал билишидан бехабар эдим. Мамадали боя «Йўллар оша бир бош ўсасан» деганда, шуларни назарда тутган экан.

— «Жоридент Жонс» компанияси ҳомийлигида 1996 йили Астралияга боришимга тўғри келди, — дея ҳикоя қила бошлади у. — Унгача икки ойлик курсда ўқиб, инглиз тилини ўргандим. Биз ноябрь ойида Тошкентдан жўнаб кетдик. Бу пайтда Ўзбекистонда пахта йиғим-терими якунланиб қолган эди. Австралияда эса айни баҳор денг... Мен Пите о Брайн исм-шарифли фермернинг хўжалигида ишлай бошладим. Унинг 1000 гектар пахта майдони бўлиб, барча юмушларни атиги тўрт киши бажарарди. Чигит энди униб чиққан... 10 мартдан теримга тушдик. Бир теримдаёқ гектар ҳисобига 45 центнердан ҳосил олинди. Қолган пахта эса ғўзапояси билан бирга ҳайдаб юборилди. У қиши билан чириб, ўғит вазифасини ўтаркан...

Мамадали пиёладаги кўк чойдан бир ҳўплаб олди-да, сўзида давом этди:

— Хорижда кўрган-билганларимни ўзимизда қўллаяпман. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан чет элларга бориб келган қанчадан-қанча бошқа раислару мутахассислар, ҳокимлар ҳам у ерда ўрганганларини амалиётга татбиқ этаяпти. Агар мустақилликка эришмаганимизда, Австралия дегани ҳатто тушимга ҳам кирмас эди. Мустақиллик бўлмаганида, деҳқонлар «Кейс» каби замонавий комбайнларни орзу қилиб ўтардилар. Истиқлол бизга насиб этмаганида, деҳқон ҳеч қачон ернинг ҳақиқий эгаси бўлолмас эди. Ёки у фермер ёки деҳқон хўжалигини бошқариб, ўзини ҳам, давлатни ҳам бойита олмасди.

Айтмоқчиманки, бугунги одамларнинг онги ва тафаккури ҳам, дунёқараши ҳам ўзгача. Бунинг бош сабаби ҳам — Мустақиллик. Шундай экан, шу ноёб неъмат — Мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, халқ фаровонлигини яхшилашдан ҳам эзгуроқ вазифамиз бўлиши мумкинми? Биз шу ниятда меҳнат қилаяпмиз.

**Ў. ҲОТАМОВ.**



Материалларни «Халқ сўзи» мухбирлари Икром ЎТБОСАРОВ ва Набижон СОБИРОВ тайёрлади.

## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

*• Мустақиллик йиллари мобайнида саноат корхоналари сони 1283 тадан 1602 тага етиб, бултур уларда 99093,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.*

*• Фарғона шаҳридаги «Ўзсаламан» қўшма корхонаси ва Тошлоқ туманидаги «ДЭУ текстайл» компаниясининг корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар — пойабзал ва ип-газламалар ҳатто хориж мамлакатларига экспорт қилинмоқда.*

*• Мустақиллик йилларида Фарғона кимёвий толалар заводида «Полиамид-6», механика заводида эса автомобиль дискаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

*• 1992 йилда Фарғона вилоятида атиги 8 та қўшма корхона ташкил этилган эди. Бугунги кунда 41 та шундай корхона ишлаб турибди. Улар томонидан ўтган йили 36857,2 минг долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Натижада 1998 йилда вилоятда ташқи савдо айланмаси 338,9 миллион долларга етди.*

*• 1998 йилнинг кузида Фарғонада буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги тантаналари кенг нишонланди.*

*• 1998 йилда вилоятда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 1991 йилга таққослаганда 186,3 фоиз ўсди.*

***Байрамлар ва халқ сайилларини савдо ва умумий овқатланиш корхоналари хизматисиз тасаввур этиш қийин. Шу куни очиладиган ярмаркаларда сотиладиган байрам таомлари, турли пишириқлар, қандолат маҳсулотлари, шунингдек ноёб саноат буюмлари шубҳасиз барчанинг кайфиятини кўтаради, қувончига қувонч қўшади. Шундай экан, соҳа ходимлари байрамга қандай совға ҳозирлашмоқда? Тошкент вилояти "Матлуботсавдо" акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг биринчи муовини О.Аҳроров билан шу ҳақда суҳбатлашдик.***

## БАЙРАМОЛДИ САВДО ЯРМАРКАЛАРИ

— Вилоятимиз қишлоқ аҳолисига байрам кунлари ҳар қачонгидан ҳам намунали савдо хизмати кўрсатиш ниятидамиз. Барча туман марказлари, қишлоқ марказий қўрғонларида озиқ-овқат ва саноат моллари савдо ярмаркалари ишлаб туради. Олис қишлоқлар аҳолисига ўнта кўчма дўкон хизмат қилади. Байрам арафасида 22 та янги дўкон ва ошхона, бир қанча нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цехлар очилади.

Уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, кам таъминланган оилалар, "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари алоҳида эъзозда бўладилар. Улар учун махсус байрам дастурхони ёзилади, совға-саломлар топширилади. Шу мақсадда қарийб ярим миллион сўм маблағ сарфланади.

Айни вақтда матлуботчиларимиз мактаб ўқувчиларини ўқув қуроллари, дафтар ва дарсликлар билан таъминлашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Шу мақсадда тизимимиз бўйича жойларда 80 та "Мактаб бозор"лари ва 45 та шундай махсус бўлимлар очилди.

**Неъмат ДУШАЕВ, ЎзА мухбири**



Андижон вилоятининг Асака туманидаги янги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи бу ўқув йилида дастлабки талабаларни қабул қилади.

## КОЛЛЕЖ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁР

Коллежнинг замонавий таълим-тарбия жараёни талабларига жавоб берадиган янги биноси "Агрожамқурилиш" вилоят бирлашмасининг 129-механизациялашган кўчма колоннаси жамоаси томонидан вилоятдаги бир қанча кичик пудрат қурилиш ташкилотлари кўмагида қурилди.

Ўқув юртининг танлов асосида қабул қилинган ўқитувчилари ва малакали усталари қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар — кичик агрономлар, муҳандислар, юридик маслаҳатчилар, менежерлар тайёрлайди.

Янги ўқув йилида вилоят шаҳар ва туманларида ўн иккита касб-ҳунар коллежи иш бошлайди. Шулардан олтитаси янги биноларда жойлашган. Қолганларининг биноси эса бутунлай қайта қурилган. Андижон Тиббиёт институти ҳузурида эса академик лицей иш бошлайди.

**К. НИЗОМОВ, ЎзА мухбири.**

## ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Яқинда Миллий матбуот марказида «Аёлларнинг ҳуқуқий ва фуқаролик билимлари» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг «Аёлларнинг ҳуқуқий ва фуқаролик билимлари» лойиҳаси юзасидан семинар-кенгашнинг илк босқичи якунлари кўриб чиқилди. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур лойиҳа 6 ойга мўлжалланган бўлиб, уч босқичдан иборат. Дастлабки босқичда «Тадбиркор аёл» ассоциациясининг вилоят бўлимларидан вакиллар қатнашди. Иккинчи босқич 5 кунлик «Семинар-тренинг» дарси асосида ҳудудларда бўлиб ўтади. Шу йил ноябрь ойи охирида эса якуний босқичи ўтказилади.

Анжуманда ҳуқуқий демократик давлат қуришда аёллар фаоллигини ошириш зарурлиги ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, республика «Тадбиркор аёл» ассоциацияси раиси муовини, мазкур лойиҳа эксперт-консультанти Гулчеҳра Ҳамидова қонунларимиз пухта ишланганлиги, умумхалқ манфаатларига алоҳида аҳамият қаратилганлигини таъкидлади. Зеро, қонунлар — инсон учун, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳаётга жорий этилади.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий демократик жамиятда аёллар ўрни алоҳида эътиборга эга.

Анжуман якунида биринчи босқич қатнашчиларига сертификатлар топширилди.

**Оқил АБДУАЗИМОВ.**

"ДАР АЛ-САЛАМ ГРУПП"
"DAR AL-SALAM GROUP"
"ДАР АЛ-САЛАМ ГРУПП"




БИЗНИНГ ҚАЛБИМИЗ ҚАНДАЙ ҲИС-ҲАЯЖОН БИЛАН ТЎЛА ЭКАНЛИГИНИ БИЛМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, ГАЗЕТАНИНГ
8 – САҲИФАСИНИ ОЧИНГ!
IF YOU WANT TO KNOW WHAT IT CONTAINS, PLEASE, OPEN THE 8 PAGE OF THE NEWSPAPER!
ЕСЛИ ВЫ ХОТИТЕ УЗНАТЬ НАШИ ПОЖЕЛАНИЯ, ОТКРОЙТЕ 8 СТРАНИЦУ ЭТОЙ ГАЗЕТЫ!
2072-1

ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗДИР!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИИББ ҲУЗУРИДАГИ ҚЎРИҚЛАШ БОШҚАРМАСИ РАҲБАРИЯТИ ВА ШАХСИЙ ТАРКИБИ

*Сиз — азиз ҳамшаҳарлар ва мустақил республикамиз аҳолисини, кечаю-кундуз ўз ҳаловатидан кечиб мустақиллик барқарорлиги учун хизмат қилаётган ҳамкасбларини*

8 ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИНИНГ ЙИЛЛИГИ

*муносабати билан қизғин табриклайди.*

*Бизга мурожаат қилинг — мол-мулкингизни кўз қорачиғидек сақлашга*

КАФОЛАТ БЕРАМИЗ!

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-4, Қашқар мавзеси, 8.
Тел: 133-77-36, 136-02-29, 133-01-90, 136-16-34, 34-01-69.
Ф/2102

Shoshtrans

# «ШОШТРАНС»

## ҚК ЁАЖ

Ўзбекистон халқини улуғ байрам—

**Мустақилликнинг 8 йиллиги**

билан муборакбод этади
ҳамда барчага бахт-саодат,
сиҳат-саломатлик,
омад тилайди.

"ШОШТРАНС" ҚК ЁАЖ БОШҚАРУВИ.

LL@896





Alex-LL@2075

***Яқинда матбуот орқали биз яна бир нохуш хабарнинг гувоҳи бўлдик. Жангарилар гуруҳи Қирғизистон Республикасининг Ўш вилояти Боткент тумани аҳолисининг осойишталигини бузиб, унинг ҳаётига тажовуз қилдилар. Бир неча қишлоқларни босиб олиб, бегуноҳ одамларни гаровга олдилар. Бу мудҳиш хабар барчамизнинг ғазабимизни қўзғатди.***

# ТЕРРОРИЗМГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

Ўзбекистонликмизми, қирғизистонликмизми... барибир шу кўҳна Турон замини барчамизнинг муқаддас маконимиз. Унинг ҳар бир қаричи ҳар биримизнинг қон томирларимизга, жонимиз ришталарига туташиб кетган. Тожик биродарларимизнинг нотинчлиги юракларимизни ўртаётган бир шароитда туғишганларимиздан яна бири ташвишга тушганлиги бизни ҳушёр тортишга мажбур этди. Зеро, қадим ва азим Туркистон замини дунё уммони ичра сузиб юрган бир улкан кемадир. Унинг иссиқ бағридан жой олган жамики инсонларнинг ҳаёти ва тақдири бир-бири билан узвий боғлиқ экани барчага аён ҳақиқат. Бу кеманинг қайси нуқтасидан аланга чиқса, табиийки, барчамизнинг нигоҳимиз шу нуқтага қаратилади. Жонимизни ҳовучлаганча ана шу алангани ўчириш, аланга қаърида қолганларга нажот бериш ва унинг авж олиб кетмаслиги учун жамики чораларни ишга солиш пайида бўламиз. Чунки нафақат уруш олови ичида қолганларнинг, балки шу заминда яшаётган барчамизнинг оромимиз йўқолади, юракларимизда оғриқлар пайдо бўлади.

Мана шундай лаҳзаларда биз тинчлик, осойишталикнинг нақадар буюк неъмат эканлигини, эл-юрт тинчлиги инсон учун ҳамма нарсадан устунлигини бутун вужудимиз билан ҳис этамиз ва қандай қилиб бўлмасин осойишталигимизни сақлаш, душманларга зарба бериш, уларни тупроғимиздан таг-томири билан суғуриб ташлаш йўлларини қидира бошлаймиз. Яқинда Ўш вилоятида юзага келган аҳвол туфайли Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари ташқи ишлар, мудофаа вазирлари, Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарларининг террорчиларга қарши биргаликда ҳаракат қилишга келишганликлари ҳам тинчлик, осойишталик минтақамиз учун нақадар муҳим эканлигининг яна бир исботидир. Ҳа, бундай кимсаларга қарши ҳамкорликда кураш олиб боришимиз керак. Токи, уларнинг томирларидаги айниган қонлар бизнинг мусаффо тупроғимизни булғаб улгурмасинлар. Жангариларнинг қутурган руҳиятларига макон бўлган жисмлар ҳам муқаддас аждодларимизнинг мўътабар хокларига аралашиб кетмасин. Не-не улуғларимизнинг хоки-пойларини кўрган бу азиз тупроқ инсон қонини тўкишдан заррача сесканмайдиган, юртининг, миллатининг, Ватанининг қадрини билмайдиган одамхўрлар учун бутунлай уволдир.

Ватан ҳақида, элу юрт ҳақида тўлиб-тошиб гапирамиз. Шоирларимизнинг бу ҳақдаги гўзал шеърларини завқ билан ўқиймиз, уларга мусиқа басталаб, яйраб-яйраб куйлаймиз. Лекин бу мадҳиялар, бу куйлар, бу ўлмас қўшиқлар билангина Ватанни асраб қолмоқликнинг иложи бўлсайди! Минг афсуски, бунинг иложи йўқ. Қачонки биз ана шу мадҳияларга ҳамоҳанг равишда амалий ишларимизни йўлга қўя олсак, она Ватан ҳимоясини ўзимизнинг биринчи вазифамиз, бурчимиз, керак бўлса ору номусимиз, ҳаёт-мамотимиз сифатида ҳис эта олсаккина, ҳар қандай ёвуз куч бизнинг тинчлигимизга раҳна тушура олмайди.

Агарда умумий гаплардан чекиниб, аниқ фикрларга ўтадиган бўлсак, ҳозирда ғанимлар остонамиз атрофида ўралашиб юрган бир паллада бизнинг вазифамиз нимадан иборат бўлиши керак, деган савол туғилади. Албатта, ҳамма ишни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари зиммасига юклаб қўйиб, қолганлар тинчликни Яратгандан сўраб юраверса, вазият мураккаблашиб бораверади. Ғанимлар лоқайдлар орасида йўл топиб, сотқинлар, мунофиқлар орасидан ўзларига ёрдамчилар, хайрихоҳлар орттириб, ҳали у ерда, ҳали бу ерда низо уруғини сочаверадилар. Биз ҳам ўзимизнинг ғофилу хотиржамлигимиз билан уларнинг қора ниятларини амалга ошириш йўлидаги ҳаракатларга имкон яратаверамиз.

Ҳар биримиз очиқ кўз, тийрак ақл ва покиза нигоҳ билан атрофимизга ҳушёррок қарайлик.

Халқ мақолларида айтилганидек: «Душман битта бўлса ҳам кўп, дўст мингта бўлса ҳам оз». Шундай экан, битта душман борлиги ҳам бизни ўйлантириши, безовта қилиши, янада ҳушёррок бўлишга даъват этиши, табиий. Токи уни таг-томири билан йўқотмагунча хотиржам бўлишга ҳеч биримизнинг ҳақимиз йўқ.

**Ҳикматилла ҚУРБОНОВ,**
**Самарқанд вилояти.**



# «НОЗ—НЕЪМАТ»ЛАР КЎРГАЗМАСИ

*Пойтахтимизнинг Бобур номли боғида республика мустақиллигининг 8 йиллигига бағишланган «Ноз-неъмат»лар кўргазмаси очилди. Кўргазмада юртимизнинг барча вилоят ва туманларидан келтирилган мева-сабзавотлар, турли хилдаги мева консервалари ҳамда шарбатлар аҳолига арзон нархда сотилмоқда.*

*Мазкур савдо кўргазмаси маҳсулотлари шаҳарликларга манзур бўлаяпти.*

**СУРАТДА:** савдо кўргазмасидан лавҳа.

**Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 31 августдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/***

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 84,60 | 1 Миср фунти | 39,15 | 1 СДР | 181,89 |
| 1 Австрия шиллинги | 10,16 | 10 Испания песети | 8,40 | 1000 Туркия лираси | 0,30 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 212,23 | 100 Италия лираси | 7,22 | 1 Финляндия маркаси | 23,51 |
| 10 Бельгия франки | 34,65 | 1 Канада доллари | 89,47 | 1 Франция франки | 21,31 |
| 1 Голландия гульдени | 63,43 | 1 Хитой юани | 16,15 | 1 Швейцария франки | 87,32 |
| 10 Греция драхмаси | 4,28 | 10 Люксембург франки | 34,65 | 1 ЕВРО | 139,79 |
| 1 Дания кронаси | 18,81 | 1 Малайзия ринггити | 35,18 | 10 Жанубий Корея вони | 1,13 |
| 1 БАА дирхами | 36,40 | 1 Германия маркаси | 71,47 | 10 Япония иенаси | 11,99 |
| 1 АҚШ доллари | 133,69 | 1 Польша злотийси | 33,58 | 1 Россия рубли | 5,40 |
| | | | | 1 Украина гривнаси | 30,43 |

****/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## ЯНГИ МУЗЕЙ ОЧИЛДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги музейи очилди. Маълумки, Фуқаро мудофааси штаби 1996 йилда мазкур вазирликка айлантирилган эди. Шу вақт мобайнида вазирлик мамлакатимизда рўй бериш эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва улардан аҳолини муҳофаза қилиш борасида талайгина ишларни амалга оширди.

Янги музей экспонатлари ана шу ҳақда, шунингдек, авария-қутқарув кучлари иш жараёнлари ва улар қўлланадиган замонавий техника воситалари тўғрисида ҳикоя қилади.

**(ЎзА).**




СПОРТ

# ФУТБОЛЧИ ҚИЗЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Истиқлол байрами арафасида бухоролик футбол мухлислари ажойиб мусобақанинг гувоҳи бўлишди. "Бухоро" ўйингоҳида Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси Жанубий Кореянинг "Хеврон" (Сеул) командаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказди.

Жанубий кореялик футболчи қизлар бунгача мамлакатимизнинг турли шаҳарларида учрашувлар ўтказиб, бирор марта ҳам мағлубият аламини тортмаган эди. Улар Андижонда 0:0 ҳисоби билан дуранга эришган бўлса, наманганликларни 2:0, самарқандлик футболчи қизларни эса 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратганди.

Бухородаги ўйин ҳамюртларимизнинг шиддатли ҳужумлари билан бошланди. 25 дақиқада Наргиза Абдурасулова ҳисобни очди. Орадан 13 дақиқа ўтиб, унинг жамоадоши Наталья Широковская ҳисобни 2:0 га етказди.

Лекин, иккинчи бўлимда ҳамюртларимиз бироз сустлашди. Жанубий Корея терма жамоаси аъзоси, "Хеврон"нинг моҳир ҳужумчиси Дин Ен Ан 67 ва 85 дақиқаларда мезбонлар дарвозасини ишғол этди.

Ўйин тугашига икки дақиқа қолганида эса ҳужумчимиз Катерина Пак меҳмонларнинг бир неча ўйинчисини алдаб ўтиб, дарвозабон билан яккама-якка қолди ва имкониятдан тўла фойдаланди. Шундай қилиб, ўзбекистонлик футболчи қизлар меҳмонларни 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

— Техник ва тактик жиҳатдан мезбонлар чиройли ўйин кўрсатди,— деди "Хеврон" бош тренери Ким Енг Жи. — Биз бир-биримиздан анча нарса ўргандик. Қизларингиз жаҳон миқёсидаги мусобақаларда ҳам муваффақиятли қатнашиш имкониятига эга эканлигининг гувоҳи бўлдик.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

# ТОШКЕНТДА ГУЛ БЙРАМИ

Мамлакатимиз истиқлолининг саккиз йиллиги муносабати билан Тошкентда илк бор "Гуллар байрами" ва гул мушоираси ўтказилди. Пойтахтнинг кўпгина туманлари, турли идора ва ташкилотлари ҳамда хусусий гулчилик фирмалари келтирган турфа гуллар Сайилгоҳ кўчасига ўзгача чирой бахш этди.

Ҳозирги вақтда табиатни асраш, уни севиш, экологик ҳолатни яхшилаш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида шаҳарларнинг нафақат кўча ва хиёбонларида, балки ҳар бир уй ва хонадонда гул етиштириш ажойиб анъанага айланган. Тошкентдаги гул байрами ҳам аҳолини турли ўсимлик ва гулларни севиш, уларни парваришлашга рағбатлантириш мақсадида ўтказилди.

Бу ўзига хос гуллар кўрик-танловида Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ва халқ таълими бошқармалари, Республика болалар ижодиёти маркази гулчилари етиштирган анвойи гуллар энг яхши деб топилди. Ғолибларга совғалар топширилди.

Гул байрами тантаналари гул ҳақидаги шеърхонлик ва куй-қўшиқларга уланиб кетди.

**О. НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**




«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0726, 23709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 01.40*
1 2 3 4 5 6